



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2014-yil, 10-iyul. Payshanba 83 (31.830)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!



ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси «Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислохотлар, демократлаштириш жараёнлари натижаларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилишда Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ва депутатлари иштирокини таъминлаш» мавзусида семинар ўтказди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорида белгиланган масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

▶ Давоми 2-бетда.



МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНИ МУНОСИБ НИШОНЛАШ ҳам бурч, ҳам масъулиятдир

ТАНЛОВ

«Инсонга наф келтириш — олий бахт»

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан журналистика соҳасида «Инсонга наф келтириш — олий бахт» Республика танлови якуни ҳамда танлов ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир ўтказилди.

— Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу танловдан кўзланган мақсад, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Норбоева. — Мамлакатимизда инсон омилига устувор эътибор қаратишга оид ислохотларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик, халқимиз, айниқса, ёшларга етказишга ҳисса қўшиш, бу борадаги ишларни фаол ёритиб келаётган оммавий ахборот воситалари ходимларини муносиб рағбатлантиришдан иборатдир.

Бу йилги танловда босма ва электрон оммавий ахборот воситаларидан 120 нафардан ортқ ижодкор 600 дан ортқ ижодий иши билан иштирок этди. Ижодий ишларни саралашда мустақиллик йилларида диёримизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда ривожлантириш, кучли ижтимоий ҳимояни таъминлаш, ҳар томонлама етуқ ва баркамол авлодни тарбиялаш каби йўналишларда олиб борилаётган тизимли ишлар, ижтимоий, маънавий ва маърифий соҳаларда эришилаётган ютуқлар, уларнинг, аввало, инсон манфаатларига йўналтирилганлиги чуқур таҳлил орқали очиб берилганлигига асосий эътибор қаратилди.

Танлов ғолиблари Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан мукофотланди.

Р.С. Газетамиз муҳбири Тоштемир Худойкулов мазкур танловнинг босма оммавий ахборот воситалари йўналиши бўйича 3-ўринга сазовор бўлди.

Ўз муҳбиримиз.

Ёшлар учун янги иш ўринлари



Мамлакатимиз молия муассасалари қатори «Микрокредитбанк» ҳам қўллаб-қувватлашнинг, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, банк томонидан жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида мамлакатимиздаги 2 минг 162 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчисига 13,4 миллиард сўм кредит ажратилди.

Яқинда чекка Нурота, Ёзбон, Узун, Хонқа ва Мўйноқ туманларида «Банк ва коллеж ҳамкорлиги» лойиҳаси доирасида қатор тадбирлар ўтказилди.

Унда жами 418 нафар битирувчиға хусусан, 277 нафар қизға бошланғич сармоа ажратилиши бўйича сертификатлар, тикувчилик билан шуғулланиш ниятида бўлган 35 нафар қизға тикув машиналари тақдим этилди. Эътиборлиси, юқорида қайд этилган туманларда 500 га яқин янги иш ўрни яратилди.

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси аҳолининг эҳтиёжманд қатламани манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ва ёшлар, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш самарадорлигини ошириш учун курашади.

ЎзХДП: МАХАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Ўзи, оиласи, яқинлари ва жамият учун меҳнат қилаётганини ҳис этиб яшаётган одам катта ишларга қодир бўлади. Бундай киши ён-атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга эътибор билан қарайди, яхши ишларга бош қўшишга интилади...

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИ ишончли ҳимоя қилинмоқда

2

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Андижон ҳудудий бўлини-маси ҳамда ЎзХДП вилоят кенгаши билан ҳамкорликда «Сайловларда сиёсий партия ваколатли вакили ва кузатувчиси иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

КУЗАТУВЧИ ВА ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛ сайлов жараёнида муҳим ўрин тутади

Унда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Андижон ҳудудий бўлини-маси мутахассислари, ЎзХДП вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари раислари, сайлов комиссиялари аъзолари, тажрибали эксперт ва олимлар иштирок этди.

Семинарда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Андижон ҳудудий бўлини-маси раҳбари ўринбосари

Адхамжон Узоқжонов, ЎзХДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари Маъмуржон Икромовлар сўзга чиқиб, сиёсий партия кузатувчиси ва ваколатли вакилининг сайлов жараёнларидаги иштироки, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ЎзХДП вилоят кенгашининг сайловларга тайёргарлигига оид масалалар хусусида тўхталди.

Семинар-тренингда асосий эътибор сайлов жараёнида сиёсий партия кузатувчиси ва ваколатли вакилининг ишти-

роки ҳамда улар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш, партия фаолларининг бу борадаги ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилди.

Таъкидландики, кузатувчи ва ваколатли вакилларнинг сайловлардаги иштироки сайлов кампаниясининг очиқ, ошқора ўтишини таъминлашга хизмат қилади. Шу боис ҳудудий партия ташкилотлар кузатувчи ва ваколатли вакилларни танлашда уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимига алоҳида эътибор қаратиши зарурлиги қайд этилди.

Тадбир давомида иштирокчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда мавзу юзасидан амалий машғулотлар олиб боришди.

Семинар якунида сайловга тайёргарлик юзасидан зарур тавсиялар ишлаб чиқилди.

Сардорбек ҚОСИМОВ, ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши масъул ходими.

ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА

партия гуруҳлари фаол иштирок этмоқда

Учкўприк туманида амалга оширилаётган янгиланишлар, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда халқ депутатлари туман кенгашидаги ЎзХДП гуруҳининг муносиб ҳиссаси бор. Айниқса, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастурининг ижроси борасида амалга оширилаётган ишлар бунинг ёрқин тасдиғидир.

Партия гуруҳининг навбатдаги йиғилишида эса туманда болалар спортини ривожлантириш, 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастурининг ижроси тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда ёшларни спортга жалб қилиш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш масалалари юзасидан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими мутахассиси Шавкат Хайдаров маълумот берди.

▶ Давоми 2-бетда.

ЎзХДП ГУРУҲИ ЙИГИЛИШИ

БАНДЛИК

ИЖТМОИЙ ҲИМОЯ

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Карманалик Шаҳбоз Нурназаров Навоий техника ва иқтисодийёт касб-ҳунар коллежини аъло баҳоларга тугатди. Яқинда Навоий педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежсида ўтказилган меҳнат ярмаркасида қатнашди. Туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, туман прокуратураси ҳамкорлигида ўтказилган бундан иш ўринлари ярмаркасида у Навоий иссиқлик электр станцияси ОАЖга ишга кириш учун йўланма олди.

— Дипломни қўлга олишим билан-ноқ иш жойим тайин бўлди. Энди

ўзим севган касбда ҳалол меҳнат қилиб, юртим ривожига муносиб ҳисса қўшмоқчиман.

Шу кун 91 корхона ва ташкилот ўзларининг жами 160 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Меҳнат ярмаркасида қатнашган 95 нафар коллеж битирувчиси ишга кириш учун йўланма олган бўлса, 16 нафар битирувчи ва тижорат банклари ўртасида имтиёзли микрокредитлар олиш учун шартномалар тузилди.

Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Газетамизнинг навбатдаги сониди

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, ЎзХДП гуруҳи аъзоси Муқаддас Раҳматуллаева сайловчилар манфаатини ҳимоя қилишда депутатлик сўрови институтидан самарали фойдаланмоқда. Депутатнинг мутасадди ташкилотларга юборган депутатлик сўровлари ва уларнинг натижалари ҳақида ўқишингиз мумкин.



«Ўзбекистон овози» газетаси сайтыда ўқинг

Сирдарёда соғлом болалар улғаймоқда



www.uzbekistonovozi.uz

«ЯҒОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!»

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНИ МУНОСИБ НИШОНЛАШ

ҳам бурч, ҳам масъулиятдир

«Яғонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида бўлиб ўтган тадбирда ЎЗХДП Марказий Кенгаши Мазъуллари, партиянинг парламентдаги фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар ва вилоят кенгашлари ходимлари, туман, шаҳар партия ташкилотлари раислари, тарғиботчи гуруҳлар аъзолари ва экспертлар, олим ва мутахассислар иштирок этди.

Семинарда **ЎЗХДП Марказий Кенгаши раиси Хотамжон Кетмонов** сўзга чиқиб, мустақиллик байрамига муносиб тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш, бу жараёнда партия ташкилотлари ва депутатларнинг фаол иштирокини таъминлаш масалаларига эътибор қаратди.

— Партияимиз мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йўлида эришган тарихий ютуқларини юксак қадрлайди, — деди партия етакчиси. — Давлат ва жамият курилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташки сиебат ва хавфсизлиқни таъминлаш масалаларида босқичма-босқич тарзда изчил амалга оширилаётган ислохотлар халқимиз фаровонлигининг кафолатини, юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва макъенини мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз ҳаётининг бирор-бир жабҳаси йўқки, унда мустақиллик шуқуқи сезилмас, жамиятимизнинг бирор-бир аъзоси йўқки, унинг ҳаёти, орзу-умидларида мустақиллик акс этмаган бўлса. Мустақиллик бугунги тинч, осуда ҳаётимиз, халқро майдондаги нуфуз ва эътибор



римизнинг бош мезонига айланди. Бу бизга чексиз гурур ва ифтихор бағишлайди.

Мустақиллик байрамини муносиб нишонлашимиз, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказишда партияимиз ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари фаол иштирок этиши лозим. Шу муносабат билан партияимиз Марказий Кенгаши Ижроқўми Хайъатининг тегишли қарори қабул қилинди, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Унга мувофиқ, партия ташкилотларимиз ҳамда депутатлик бирлашмалари республикаимизнинг барча ҳудудларида етакчи олим ва мутахассислар, ёзувчи, шоир ҳамда санъаткорлар иштирокида турли семинарлар, давра суҳбатлари, учрашув ва анжуманлар ўтказилади.

Ҳар бир тадбир очик ва

самимий руҳда, расмий қоида ва маърузалардан холи бўлиши, унда кўпроқ одамлар билан фикр алмашилиши, мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизни аниқ мисоллар билан аҳолига тушунтириш керак.

— Партияимиз томонидан ташкил этиладиган тадбирларни аниқ факт ва рақамлар таҳлили асосида ўтказишнинг аҳамияти катта, — деди семинарда **ЎЗХДП Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Шарбат Абдуллаева**. — Тадбирларимизнинг самараси кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Истиклол йилларида инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, турмуш шароитини яхшилаш, моддий ва ижтимоий фаровонлигини ошириш учун тўб ислохотлар амалга оширилди. Соҳалардаги факт ва рақамлар таҳлил этилганда бу яққол кўзга ташланади. Эришилган натижаларни сарҳисоб қилсак, жуда мураккаб, ўта қалтис

муаммоларни ҳал этиш учун ўз вақтида муҳим ишлар қилинганига амин бўлаемиз.

Ҳамон давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимиз ишлаб чиқариш салоҳияти йилдан-йилга ошиб бораётгани, жумладан, 2013 йилда ялпи ички маҳсулот 8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,8 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги — 6,8 фоизга ўсгани тараққиётимизнинг барқарор эканидан далолат беради.

ЎЗХДП учун аҳамиятли жиҳати мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаёпти. 2013 йилда давлат бюджети харажатларининг 59,3 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилди.

Мустақиллик йилларида юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида аҳоли сиҳат-саломатлиги яхшилан-

ди. Бугунги кунда қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган 14 миллиондан ортиқ аҳоли малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконига эга.

Семинарда ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашга қаратилган таълим соҳасидаги ислохотлар аҳамиятини очиб бериш масалалари ҳам эътиборда бўлди. Биргина 2013 йилда 28 та янги касб-ҳўнар коллежи қурилди, 381 та умумтаълим мактаби, олий ўқув yurtлари тизимидаги 45 та объект, 131 та касб-ҳўнар коллежи ва лицейлар реконструкция қилинди ёки капитал таъмирланди. Шунингдек, 55 та болалар мусика ва санъат мактаби, 112 та болалар спорт объектлари ва кўплаб сузиш ҳавзалари фойдаланишга топширилди. Булар — шунчаки рақамлар эмас. Бу ишларнинг ортида фарзандларимизнинг жаҳон андозасига мос даражада илм олиши, қизиқиш ва қобилиятини рўёбга чиқаришга шароит яратишдек эзгу мақсад турибди.

Тадбирда, шунингдек, **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси раҳбари Улугбек Вафоев, фракция аъзолари Ҳафиза Каримова, Зибўддин Мансуров, Тошкент вилоят партия кенгаши ходими Зулфия Зокирова** ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Билдирилган тақлифлар асосида партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари аҳоли ўртасида олиб борадиган тарғибот ишларини янада жонлантиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Басандобону ЖАЛИЛОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Электорат манфаатлари

ишончли ҳимоя қилинмоқда

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎЗХДП фракцияси аъзолари (23 нафар), халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари (жами 163 нафар депутат) жойлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни доимий ўрнаб, уларнинг ечими бўйича тақлиф ва ташаббуслар билан чиқаётир. Зеро, депутатлик одамлар ишончини оқлаш, ўзи сайланган ҳудуднинг баланд-паст, аҳолининг иссиқ-соғуғидан хабардор бўлиш демакдир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни изчил амалга ошириш, қонуний ижроси бўйича давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари масъулиятини ошириш, ижтимоий кўллаб-қувватлашни назарда тутадиган давлат дастурлари бажарилиши устидан парламент ва жамоатчилик назорати тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

— Ўтган давр мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси вакиллик органларидаги ЎЗХДПдан сайланган депутатлар ушбу масалаларда қатор ибратли ишларни амалга оширди, — дейди **ЎЗХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Қуватбай Қурбанбаев**. — Хусусан, 2013 йилда 20 та масала партия гуруҳлари ййгилишларида кўриб чиқилган бўлса, 2 та масала доимий комиссиялар ййгилишларида, 9 та масала сессияларда муҳокама этилган. Масалан, халқ депутатлари Кўнғирот туман Кенгашининг 23-сессиясида «Микрокредитлаш ҳисобига ишбилармонлик муҳитини яхшилаш орқали янги иш ўринлари ташкил этиш тўғрисида»-ги, халқ депутатлари Кенгайли туман Кенгашининг 17-сессиясида «Аҳоли манфаатларини ўрганиш, қишлоқ жойларида сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда депутатларнинг иштирокини таъминлаш тўғрисида»-ги, халқ депутатлари Беруний ва Тахтақўпир туман Кенгашлари сессияларида «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар ижроси тўғрисида»-ги масалалар киритилиб, улар жазасидан тегишли қарорлар қабул қилинган. Ана шу қарорлар жойларда партияимиз электорати манфаатлари ҳимоясини мустақамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугун дунёда бандлик, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш масаласи ўткир ижтимоий муаммага айланмоқда. Юртимизда бу борада изчил сиебат олиб борилаёпти. Иш ўринлари ташкил этиш ва

аҳоли бандлигини таъминлаш дастури парламент даражасида қабул қилинаёпти. Ишбу муҳим дастурий ижросини таъминлашда партия гуруҳлари ва ташкилотларининг ўрни, ҳиссаси катта бўлиши керак. Чунки ЎЗХДП турмуш фаровонлигини, энг аввало, аҳолининг иш билан таъминланганлигида кўради.

Бу борада жойлардаги иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎЗХДП фракцияси, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари томонидан 2013 йил давомида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхона-ташкилотлар раҳбарларига 250 га яқин депутатлик сўрови юборилган. Сўровларнинг аксариятида кўтарилган масалалар ўз ечимини тогган.

Маълумки, аҳоли билан доимий алоқа ўрнатиш, одамлар дуч келаётган муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишда Ўзбекистон ХДП ўзига хос тажриба ҳамда имкониятга, яъни Жамоатчилик қабулхоналарига эга. Ҳозирги кунда ЎЗХДП Қорақалпоғистон Республикаси ташкилотлари тизимида 17 та Жамоатчилик қабулхонаси фаолият юритмоқда. Уларга 2013 йил давомида фуқаролардан 350 га яқин мурожаат келиб тушган. Ушбу мурожаатларнинг қарийб 90 фоизи ижобий ечим тогган. Қолганлари бўйича тушунтириш ва ҳуқуқий маслаҳатлар берилган.

Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашлари ҳузуридаги «Жамоатчилик қабулхоналари»га тушган мурожаатлар таҳлилий ўрганилиб, шулар асосида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига партия гуруҳлари томонидан тегишли масалалар киритилаёпти.

Бир сўз билан айтганда, Қорақалпоғистон Республикасида Ўзбекистон ХДП электоратини безовта қилаётган ижтимоий-иқтисодий масалаларни чуқур ўрганиш ҳамда уларни ҳал этиш чораларини кўришга алоҳида эътибор қаратилаёпти. Бу борада муайян натижаларга эришиляпти.

Множатдин ҚУТЛИМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Давоми. Бошланғич 1-бетда.

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот олиш мумкин.

ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА

партия гуруҳлари фаол иштирок этмоқда

ЎЗХДП ГУРУҲИ ЙЙГИЛИШИ

Таъкидланганидек, худудда ёшларнинг соғлом, баркамол улғайиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун нафақат давлат идоралари, балки жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу борада маҳалла фуқаролар ййгинлари билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тумандаги айрим мактаблар спорт мазмуларининг моддий-техник базасини мустақамлаш лозим. Шунингдек, қизлар ўртасида бадиий гимнастикани янада омалаштириш учун тўғрақлар ташкил этиш, малакали мутахассисларни жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси раиси **Мўминжон Махмудов** бандлик дастури ижроси, бу борада маҳалла фуқаролар ййгинлари билан ҳамкорлик масалаларига алоҳида тўхталди.

Маълумотларга қараганда, Дастурга кўра, туманда 7 йўналиш бўйича 4273 янги иш ўрни ташкил этилиши белгиланган. Бу борада ЎЗХДП гуруҳи аъзолари томонидан дастурнинг ҳар чоракдаги ижроси таҳлил этиб борилмоқда. Аниқланган камчиликларга тегишли идоралар эътибори қаратилмоқда.

«Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Ҳилола ЮНУСОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими муассасаларини замонавий педагог кадрлар билан тўлдирриш, таълим сифатини ошириш ва касб-ҳўнар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказди.

ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида таълим-тарбиянинг ижтимоий аҳамиятини янада юксалтириш, соҳага малакали мутахассисларни жалб этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиздаги ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими муассасаларида 116 минг 311 педагог касб-ҳўнар коллежи ва академик лицейларда таҳсил олаётган 1 миллион 600 мингдан ортиқ навқирон авлод вакиллари таълим-тарбия бермоқда.

Анжуманда таълим мазмуни ва сифатини янада ошириш, ўқув жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ташкил этиш, умумтаълим фанларини касбга йўналтирган ҳолда ўқитиш, педагог кадрлар малакасини ошириш, ўқув амалиётини ташкил этиш, дарсликлар ва ўқув қўллаб-қувватлашни нашр этишга доир долзарб вазифалар хусусида сўз юритилди.

Ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими марказидан олинган маълумотларга кўра, мамлакатимиздаги жами 1 минг 411 ихтисослаштирилган касб-ҳўнар коллежи ва уларнинг 25 филиалида таҳсил олаётган ёшлар 2-3 тадан мутахассислик бўйича касб-ҳўнар эгалламоқда. Уларнинг жамиятда муносиб ўрин топиши учун кўмаклашиш, бандлигини таъминлаш доимий эътиборда.

Ёшларнинг ўз тадбиркорлигини ташкил этиши учун ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда. Тижорат банклари, Ўзбе-

кистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида коллежлар битирувчиларининг тадбиркорлик фаолияти мунтазам қўллаб-қувватланмоқда. Ёшларга бизнес-режа тузишдан тадбиркорликни юритишгача бўлган барча жараёнда иқтисодий, ҳуқуқий, моддий ва маънавий кўмак берилмоқда. Шу кунгача 3 миңдан зиёд битирувчининг бизнес-лойиҳасига тижорат банклари томонидан имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

— Навқирон авлодининг бандлигини таъминлаш, уч томонлама шартномалар тузишда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари, корхона ва коллежлар зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилган, — дейди Ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими маркази директори ўринбосари З.Худойбердиев. — Ўтган даврда бу борада амалга оширилган ишлар таҳлилий ўқуқлар билан бирга айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганини кўрсатди. Бугунги тадбирда ушбу камчиликларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Тадбирда «коллек — корхона» ҳамкорлигини ҳаётга татбиқ этиш, бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар базасини мунтазам янгилаб бориш, ёшларни ушбу маълумотлардан хабардор этиш, вақтинча ишсиз аҳоли, хусусан, ёшларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касблар бўйича ўқитиш масалалари хусусида фикрлашилди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА, ЎЗА мухбири.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

«Давоми. Бошланғич 1-бетда.

БАХТЛИ МАМЛАКАТДА БАХТЛИ ОДАМЛАР ЯШАЙДИ

Ўзбекистон «Gallup World» халқаро тадқиқотлар маркази томонидан дунёдаги энг бахтли давлатлар қаторида эътироф этилди

Мазкур таҳқиқотнинг Positive Experience Index — Ижобий таассуротлар кўрсаткичи, яъни мамлакатларда фуқароларнинг тинч, хотиржам, соғлом ва тўлақонли ҳаёт кечириши учун қай даражада ғамхўрлик кўрсатилаётгани, аҳолининг ўртача умр давомийлиги, одамлар ўз ҳаётидан қанчалик рози бўлиб яшаётгани каби йўналишлар бўйича тузилган рейтингда Ўзбекистон МДҲга аъзо давлатлар орасида биринчи ўринда қайд этилди. Шунингдек, бу борада юртимиз Франция, Финляндия, Италия, Буюк Британия ва Япония каби жаҳоннинг энг тараққий этган давлатларини ортада қолдирди.



ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

Бу — мустақилликнинг илк йиллариданоқ Президентимиз томонидан илгари сурилган асосий мақсад — иқтисодиётимизни янгилаш ва модернизация қилиш, одамларнинг турмуш шароити, ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги эзгу интилишлар, амалий савий-ҳаракатларнинг бугун бутун дунёда тан олинаётгани, эътироф этилаётганининг яна бир ёрқин далили.

Бахтли мамлакат, бу аввало, бахтли одамлар, бахтли оналар, бахтли фарзандлар, бахтли оилалар — бахтли жамият дегани. Инсон ўзини қачон бахтли ҳис қилади? Қачон ҳаётдан рози бўлади? Қачонки, Ватани ва оиласи тинч, рўзғори фаровон, ўзи, яқинлари соғ-саломат бўлса, фарзандлари

униб-ўсса, эртанги кундан кўнгли тўқ, хотиржам яшаса, меҳнат қилса...

...Яқинда университетда бирга ўқиган навоийлик курсдошим билан кўришиб қолдим. Узоқ суҳбатлашдик. Иши, оиласи ҳақида сўрадик.

— Ўқишни битиргач, Халқ таълими вазирлигининг вилоят бошқармаси матбуот хизматида ишга кирдим. Бир йил олдин ўғилли бўлдим. Исмини яхши ният билан Саид Барака қўйдик. Унинг қадами қадамлар мановийлик қўриқидан имтиёзли ипотека кредити асосида ёш оилалар учун бериладиган уч хонали квартира олдик. Тўй қилиб, укамни уйлантирдик. Энди навбат машинага...

Ха, тинч, осойишта юртимизда одамлар мана шундай эзгу ниятлар, орзу-интилишлар билан яша-

моқда. Ҳозир мамлакатимиздаги ҳар учта оиланинг биттаси шахсий энгил автомобилга эга. Ҳар 100 оиллага ўртача 80 музлатгич, 146 телевизор тўғри келмоқда. Яъни, баъзи хонадонларда иккитудан телевизор бор. Шунингдек, статистик маълумотларга кўра, аҳолининг кир ювиш машинаси, чангютич, микротўлқинли печ, шахсий компьютер ва бошқа зарур воситалар билан таъминланиш даражаси ортиб бормоқда. Айни пайтда, 19 миллион нафардан ортиқ юрдошларимиз мобил алоқа хизматидан фойдаланмоқда, бу — ҳар бир оиллага ўртача 3 уяли телефон тўғри келади, дегани.

Айниқса, ҳар йили бутун мамлакат бўйлаб барпо этилаётган намунавий лойиҳа асосидаги замонавий уй-жойлар халқимиз ҳаёти, кишлоқ аҳолиси турмуш тарзини том маънода янги даражага кўтарди. Жаҳон стандартларининг барча талабларига жавоб берадиган, миллий меъморий ечим ва юксак сифатга эга мазкур уйлар бугун нафақат кишлоқлар кўрғига кўрк қўшапти, балки одамлар руҳиятини кўтаряпти, қалбида эртанги кунга ишонч уйғотапти.

— Уйимиз пишиқ ғиштдан қурилган, мустаҳкам пойдеворга эга, баланд ва кўрак, — дейди пай-ариклик Севинч Ҳамидова. — Кенг, ёруғ, шинам хоналарни айтмайси. Ошхонаси, ювиниш хонаси ичкарди. Айвони, меҳмонхонаси ҳам бор. Болалар хонаси, дам олиш хонаси алоҳида. Қисқаси, биз — аёллар орзу қилган уйнинг айнан ўзи! Озода, саранжом-саршители ҳовли-жойда хузур қилиб яшайми. Айниқса, фарзандларимизнинг қувончи ичига сиймайди. Кенг ҳовлида мазза қилиб яйрашапти. Бундай уй-жойлар қурилишининг ташаббускори бўлган Президентимизга минг раҳмат!

— Ўзбекистондаги ислохотлар, энг аввало, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, одамларнинг гўзал ва саодатли ҳаёт кечириши учун амалга оширилаётгани таҳсинга лойиқ, — дейди Тошкент шаҳрида замонавий уй-жой

қурилиши мавзусида ўтказилган халқаро конференция иштирокчиси, Осиё мусулмонлари кўмитаси котиби Салоҳ Султон. — Бу ҳақда гапирганда мамлакатимиздаги кишлоқларда намунавий лойиҳалар бўйича замонавий уй-жойларнинг кенг қўламда барпо этилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Яшаш учун зарур маиший шарт-шароитга эга ҳамда барча қулайликлар билан таъминланган бундай уйларда одамлар, албатта, бахтли, фаровон турмуш кечиради.

...Ен кўшимиз Норчучук аянинг ёши 91 да. Нурли, фариштали, сўзлари ҳам дадил, тетик онахон. Невера, чеваралари атрофида доим парвона. Ҳар доим кишлоққа борганимда онам «Кетишингдан аввал, албатта, Норчучук аянинг олдига кириб, дуоларини ол. Ёши улғунинг дуоси ижобат бўлади», — деб тайинлайди.

— Аввало, тинчлик бўлсин, болам, — деб гап бошлади онахон. — Юрт тинч бўлса, болалар ўйнаб-қулиб мактабга боради, катта-катта ўқишларга қиради, бахтли яшайди. Менинг 7 фарзандим, 23 неварам, 20 чеварам бор. Ҳаммаси ўқимишли, уйли-жойли, ўзига тўқ. Кун-кунора ҳолимдан хабар олишади, катта оила тўкин дастурхон атрофида йиғиламиз. Баъзан, чевараларимнинг чуғур-чуғури, шўхликлари чарчатиб ҳам қўяди. Аммо шулар тўғрисида ўзим бардам сезаман. Шу кунларга етказгани учун яратганга шукроналар айтаман.

Президентимиз «...одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшгача ўзайгани бизнинг қандай катта юксалиш йўлини босиб ўтганимиздан ва халқимизнинг ҳаёт сифати ўсиб бораётганидан далолат беради». Ўзбекистонда аҳолининг узоқ умр кўриши йилдан-йилга ошиб бораётгани шу йўналишда статистик маълумотлар тўплаш билан шуғулланадиган халқаро таҳқиқотлар хизматларида ҳам акс этмоқда. Жумладан, 2014 йилги халқаро рейтингда юртимиз ўртача умр давомийлиги бўйича Марказий Осиё давлатла-

ри орасида энг юқори кўрсаткични қайд этди.

Бу — бежиз эмас. Замонавий медицинада ўз ҳаётдан мамнун инсонлар узоқ яшаши аллақачон тасдиқланган.

— Қирқ йилдан бери мактабда инглиз тилидан дарс бераман, — дейди Пастдарғом туманидаги 58-мактаб ўқитувчиси Сулаймон Юсупов. — Бу касбни эгалаб кам бўлмадим. Турмуш ўртоғим билан 6 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказдик. Ҳаммаси олий маълумотли. Катта ўғлим шифокор, қолганлари кишлоқ хўжалиги, иқтисод соҳаларида меҳнат қилади. Бу йил кенжа ўғлим Президент хузуридagi Давлат бошқарув академиясини тугатяпти. Энг кичкина қизим тумандаги Ахборот-технологиялари коллежини битириб, шу йўналиш бўйича ишга жойлашди. Хуллас, фарзандларимиздан кўнглимиз тўқ.

Бахтли мамлакатни — бахтли ёшлар, соғлом ва баркамол ўғил-қизлар яратди, бунёд этади. Бугун юртимизда ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган ишлар жаҳон ҳамжамиятини ҳайратга солапти, дунё ёшларимизга ҳавас билан қарапти.

Шундан бўлса керак, Самарқандда ўтказилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва ахамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда ЮНЕСКО бош директори ўринбосари Хуберт Гизен юртингизга таширфим давомида мен ёш авлод вакиллари — ўқувчилар, талабалар, ёш олимлар ва оддий одамларнинг мамнун чеҳрасига алоҳида эътибор қаратдим, дея таъкидлаган эди.


— Яқинда шахримизда ўтказилган «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг очилиш маросимини стадионда томоша қилдим, — дейди Наманган шаҳрида яшовчи меҳнат фахрийси Шарифбой Собиров. — Халқимизда «Бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукр қил», деган нақл бор. Қаранг, ҳозир қайси сирли мамлакатларда нотинчлик, урушлар бўлаётган, одамлар уйдан кўчага чиқолмай, юрак ҳовучлардан ўтирган бир пайтда бизлар тинч-хотиржам яшайми. Фарзандларимиз бугун биз кекса авлод ҳатто тасаввур ҳам қилолмаган, кўксимизда аламлик армон бўлиб қолган болалик бахтини ҳис этиб улғайиш-япти...

Бир сўз билан айтганда, бахтли мамлакатда бахтли одамлар яшайди. Бу бахтни асраб-авайлаш эса, энг аввало, ўзимизнинг кўлимизда.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Марсга парвоз учун ракета яратилади



Американинг «Боинг» корпорацияси вакилларининг маълум қилишича, Марсга забт этиш уринишларини давом эттираётган NASA халқаро агентлиги мутахассислари томонидан ишлаб чиқилаётган модуль учун ракета двигателини яратишга киришилди.

Бунинг учун халқаро агентлик томонидан «Боинг»га 2,8 миллиард АҚШ доллари ажратилган. Ракета модули орқали экспедиция гуруҳининг Марсга олиб чиқиши ва халқаро космик станциянинг асосий босқичига юқларнинг етказиб берилиши режалаштирилган.

40 йил яшаган



уйдан чиқариб юборилиши мумкин

Германиянинг Дюссельдорф округида яшовчи 75 ёшли қария Фридрих Адольф шў ёшида катта муаммага дуч келди. Бунга ўзининг кашандалик одати сабаб бўлди.

Гап шундаки, «DW» наشري хабар беришича, қария кўп қаватли уйда 40 йилдан бери яшайди. Бундан бир неча йиллар муқаддам ҳатто мазкур уйнинг сардорлигини бошқарган. Бироқ унинг тинимсиз сигарет чекиши ишдан айрилишга сабаб бўлган. Яъни кўп қаватли уйда яшовчилар унинг чекишидан, йўлакларга сигарет хиди «ўтириб» қолаётганидан шикоят қилвериб, ишдан бўшатдилар. Аммо қария бу кўргилидан хулоса чиқармади.

Кўп кишилик аҳоли энди округ судига шикоят қилди ва қарияни уйдан кўчириш масаласини кўндаланг қўйди. Суд эса аҳолининг талабини қондиришдан ўзга чора тополмади: Фридрих Адольф йил охиригача мазкур уйдан кўчиб кетиши шарт. Суд қарори шундай.

Бироқ бу қарор суднинг якуний хулосаси эмас. Негаки, округ суди мазкур ишни кўриб чиқиш учун Федерал суд палатасига жўнатди.

Кўринмас талончилар



Европа банкоматларида топиб бўлмайдиган скиммерларни ўрнатиб бошланган. Банк карталаридан маълумотларни ўмардан талончилар кўп йиллардан буён фойдаланаётган мосламаларни бир қарашда аниқлаш мумкин бўларди.

Эндиликда уларнинг ўрнига банкоматга асло шикаст етказмайдиган ва четдан кўзга ташланмайдиган карталарни қабул қилувчи мосламаларга ўрнатиладиган митти мосламалар қолди. Талончилар томонидан банк машинасида жойлаштирилган махсус мослама ичидagi митти камера орқали пин-кодларни ўқиш мумкин. Сифатли пластикда ва банкоматнинг бошқа қисмлари услубида ишланганлиги боис у шубҳа ҳам тудирмайди. Боз устига ўша вақтнинг ўзидеки ахборотни узатиши ва смартфон орқали бошқарилиши мумкин. Бу эса жиноятчиларни ушлашга имкон беради. Дарвоқе, скиммерлар ёрдамида биргина АҚШда йилга селкам 1 миллиард доллар ўмариб кетилмоқда. Бундай хавфдан қутулишнинг яхши йўли эса қилли картани ишлатиш ва шубҳали банкоматлардан фойдаланмасликдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

Грант олиш учун танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мавзуси: «Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда, тадбиркорликни ривожлантиришда ва аҳолининг ижтимоий кўмакга эҳтиёжманд қисмига ёрдам кўрсатишда фуқаролик жамияти институтлари билан давлат тузилмаларининг ўзаро ижтимоий шериклигини янада кучайтириш».

Танловда Ўзбекистон Республикасининг ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўйидаги йўналишлардаги лойиҳаларни кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— ижтимоий шерикликнинг янги шакллари билан амалга ошириш орқали ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг савий-ҳаракатларини бирлаштириш;

— оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш;

— болалар ва ёшларга замонавий билим ва касбларни эгаллашга кўмаклашиш, кам таъминланган оилалар фарзандларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш;

— хотин-қизлар, ёшлар, ёш оилалар, жисмоний имконияти чекланган шахслар ва аҳолининг ёрдамга муҳтож бошқа қатламларини янада ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

— аҳолининг ижтимоий кўмакга эҳтиёжманд гуруҳларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтириш, улар бандлигини таъминлаш;

— янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни, хотин-қизларни ва жисмоний имконияти чекланган инсонларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш;

— оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, халқ унвормандчилиги ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турларини, айниқса, кишлоқ жойларда ривожлантиришга кўмаклашиш;

— республиканинг чекка туманлардаги хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий фаолигини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш;

— болаларни тарбиялашда, оилада соғлом муҳитни шакллантиришда, ижтимоий кўмакга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари билан маҳалларда индивидуал ишлашни ташкил этиш;

— болалар ва аёлларни омвий турлари тадбирларига жалб қилиш, оилада аънаънавий соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш;

— болаларнинг баркамол ривожланиши, уларнинг соғлом ва жисмонан ривожланишига қулай шароит яратишга кўмаклашиш;

— мураккаб ҳаёт шартларида қолган аёлларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий мослашувиغا кўмак кўрсатиш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Арiza тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати, www.new.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;

2. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, агар лойиҳа лицензияланган фаолиятини таллаб қилса лицензиянинг нусхаси, Низом нусхаси (ташкilot муҳри билан тасдиқланган ўзгарishi ва қўшимчалар билан), манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасидаги тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 млн. сўмгача, ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар 2014 йил 23 июндан 1 августга ҳар кун соат 9:30 дан 18:00 га қадар қабул қилинади. Танловда давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (A4 формат): «100035, Тошкент ш. Бунёдор шўх кўчаси, 1-уй» манзилида жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг www.new.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64.

НАМКОРБАНК

BIRGALIKDA YUKSALISH SARI

КРЕДИТЛАР ОИЛАЛАР ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

«Ҳамкорбанк» очик акциядорлик тижорат банки бугунги кунда иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини кенгроқ қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳолининг молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бунинг банкнинг филиаллари ҳамда мини-банклари кредитлари эвазига, ўз фаолият турларини янада кенгайтириш билан бирга қўллаб иш ўринлари яратиб, оилалар фаровонлигига хизмат қилаётган банк миқозларининг фикрларидан ҳам билса бўлади.

Улуғбек Рустамов, Тошкент вилоятидаги «Gulrusorbegim Farm Savdo» МЧЖ раҳбари:

— Стоматологик асбоб-ускуналар сотиб олиш мақсадида «Ҳамкорбанк» ОАТБнинг Тошкент вилояти Олмалик филиалидан 40 миллион сўм кредит маблағи олдим. Молиявий кўмак ҳисобига аҳолига стоматологик хизматлар кўрсатишни йўлга қўйдим, 2 та янги иш ўрни ҳам яратдим.

Зойир Самиев, Бухоро вилояти, Ромитан туманидаги «Ромитансавдо» МЧЖ раҳбари:

— «Ҳамкорбанк» ОАТБ Бухоро филиалидан 198 800 евро миқдорда кредит олдик. Бунинг эвазига нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш учун Россиядан замонавий ускуналар харид қилдик. Натияжада ишлаб чиқариш қувватлари ошиши ҳисобига корхонамизда 6 та янги иш ўрни яратилди. Банкнинг амалий ёрдами туфайли йилга 1,0 миллион сўмлик нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятига эгамиз.

Бекзод Ҳужамбердиев, Термиз шаҳри:

— Ёшларимдан ўз бизнесим бўлишини, уни ривожлантириш орқали мустақил мамлакатимизнинг ривожланишига ўз ҳиссамни қўишини орзу қилганим. Бунинг учун иқтисодий билимларга эга бўлишим ло-

зимлигини англаган ҳолда Термиз ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежини тугатдим. «Ҳамкорбанк» ОАТБ Термиз филиали бизнес режамни қўллаб-қувватлади ва бошлангич сароямнинг шакллантириш учун 20,0 миллион сўм миқдорда кредит маблағини ажратди.

Бобуржон Содиқов, Шаҳрихон туманидаги «Самой Нур акфа» МЧЖ раҳбари:

— Дастлаб банкнинг 200 миллион сўмлик кредити ҳисобига ишлаб чиқаришни ташкил қилдик. Жамиятимиз цехида хориждан келтирилган технология асосида пластик хомашёлардан турли улчам ва дизайндаги эшик-ромлр ясалмоқда. Мухими, бу ерда ўндан зиёд маҳалладошимизни доимий иш билан таъминладик. Улар сафига ўтган ил коллежини битирган уч нафар йигитнинг келиб қўшилгани ҳам ишимизни осонлаштирди. Бугунги кунда маҳсулотларимиз вилоятимиздаги мухташам касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейларни, шаҳардагидан қолиш-майидиган шарт-шароитларга эга замонавий турар-жой массивларини безаб турибди.

«Ҳамкорбанк» ОАТБнинг молиявий мададидан руҳланган ҳолда ўтган йил яна бир хайрли ишга қўл урдик. Банкнинг Шаҳрихон филиалидан олинган 300 миллион сўм кредит эвазига маиший техника буюмлари ва мебель жиҳозлари сав-

до дўконини очиб, аҳолига хизмат кўрсатмоқдамиз.

Боқижон Мухамедов, Янгийул туманидаги «Инсоф» МЧЖ раҳбари:

— Жамиятимиз 2005 йилда ташкил этилган. Ўтган йиллар давомида «Ҳамкорбанк» ОАТБ Янгийул филиалидан ўндан ортиқ кредит олдик ва уларни ўз вақтида қайтардик. Бунинг натижасида жамиятимизда ишлаб чиқариш ҳажми тўрт баробар ошди, 80 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Қурилиш материалларига бўлган талабни қондириш ва истеъмолчиларга хомашени ўз вақтида етказиб беришни етарли даражада ташкил этиш учун 2013 йилда «Ҳамкорбанк» Янгийул филиалидан 80 000 минг евро миқдорда навбатдаги имтиёзли кредит олдик. Унинг ҳисобига Хитойда ишлаб чиқарилган 2 та «SINOTRUK HOWO» қўшма машинасини харид қилдик. Амалга оширилган савий-ҳаракатлар ҳамда банк кредитлари ҳисобига бугунги кунда жамиятимиз тўла қувватда ишлаб, аҳолига ҳар хил турдаги бетон ва темир-бетон маҳсулотларини етказиб бermoқда.

Хожинисо Тўлағанова, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, хунарманд:

— Тадбиркор аёлларга ҳавас қилардим. Эндиликда ўзим ҳам улар сафидаман. «Ҳамкорбанк» ОАТБ Чиноз филиалининг имтиёзли кредити эвазига тикувчиликни йўлга қўйдим. Маҳсулотларимиз харидорлиги боис жорий йилда банкдан яна кредит олиб, фаолиятимизни кенгайтиришни мақсад қилганимиз.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири. *Хизматлар лицензияланган.*



«Юртим, халқим ҳақида куйлаш менга ғурур бағишлайди»

— дейди «Нихол» мукофоти соҳибаси Малика Эгамбердиева

сарияти иштирокчиси-сиз!..

— Мамлакатимизда ёшларга, ҳар бир касб эгаларига яратилаётган шарт-шароитларни кўриб очиги шу юртда туғилганимдан фахрланаман. Шу пайтгача «Ягонасан, муқаддас Ватан!» танловиди учинчи ўринни олдим, «Нихол» мукофотига лойиқ кўрилдим. «Этироф — 2013» кўрик танловиди иштирок этдим. Айниқса, тақдирлаш маросими менда катта таассурот қолдирди. Унда нафақат санъаткорлар, балки Ўзбекистонни дунёга танитаётган спортчилар ҳам муносиб рағбатлантирилди. Чет элларда турли танловларда қатнашганман. Аммо бунақа баланд руҳда ўтган танловлар машаққатларини энгиб ўтиши керак. Санъаткор сабрили, иродали, туғма қобилиятга эга бўлиши зарур. Яхши санъаткорни одамларнинг ўзи саралаб олаверади.

— Юртимизда санъаткорларни, умуман ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун турли танловлар ўтказилади. Сиз уларнинг ак-

Лекин бизнинг санъатимиз бошқалардан бутунлай фарқ қилади. Масалан, хорижий кўшиқларни биз бир ой ёки икки ой давомида маромига етказиб куйлашимиз мумкин. Лекин ўзбекистонлик бўлмаган санъаткорлар бизнинг шашмақомларимизни юракдан чиқариб куйлаб беролмайди. Ўзбек санъати тарихи асрларга тенг ва мен ўтмишимизни унутмаган ҳолда миллий йўналишда ижод қиламан. Бизнинг менталитет чет давлатдагиларга ўхшаган энгил ва мазмунсиз мусиқа ва клиплар яралишига йўл қўймайди.

— Асл санъаткор қандай бўлиши керак?

— Нафақат санъаткор, балки бошқалар ҳам инсонийликни унутмаслиги зарур. Санъат игна билан кудук қазишдек гап. У халқ назарига бўлади, шунинг учун одоб, маданият ва самимийликни йўқотмаслиги керак. Устоз санъаткорлар саҳнани муқаддас билган, унга ҳурмат ва эъзода бўлган. Биз ҳам устозлар анъанасини давом эттиришимиз керак.

— Мустақиллик, Наврўз каби байрамлар тadbирларида куйлаш бахти сизга насиб этди...

— Катта саҳналарга чиқиб халқ назарига юриши ҳар бир санъаткор орзу қилади. Ҳар байрам чиққананда Юртбошимиз ва халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қиламан. Аслида, бу каби юқори даражадаги тadbирларда саҳнанинг салобати ва масъулияти кишини ҳаяжонга солади. Чунки давлат миқёсидаги тантаналарга, энг аввало, элимиз ардоғидаги санъаткорлар тақдир қилинади. Улар қаторида бўлиш шараф. Шунга арзийдиган кўшиқлар яратиш бизнинг Ватан ва халқ олдидаги бурчимиздир. Санъаткор, аввало, уни шу даражага кўтарган Ватани ва мухлисларидан қарздорлигини ҳеч қачон унутмаслиги керак. Юртим ва халқим ҳақида куйлаш менга ғурур бағишлайди.

— Тенгдошларингиз рекламага катта урғу бераётган бир пайтда сиз телеканалларда камнамосиз?

— Ҳозирда кўшиқларим фақат «Ёшлар» телеканалда намойиш этиляпти. Насиб этса, янада кўпроқ ишлаб, яхши ижод намуналарини яратиш, бошқа каналларда ҳам клипларимни намойиш этиш ниятим бор. Янги кўшиқлар устида кўпроқ ишлаяпман. Мен санъат йўлида ўзимга ва ота-онамга ишонаман. Уларнинг дуоси ва эътибори мен учун муҳим. Ҳар бир кўшиқ устида узоқ ишлаш одатланганман. Шошма-шошарлик қилиш маъқул эмас. Санъаткор шундай куй, ашула яратиши керакки, у халқнинг юрағига қолсин.

— Келажакдаги режарларингиз?

— Режаларим катта. Ўзбек санъатини бутун дунёга танитишга ҳисса қўшсам, дейман. Мухлисларим учун яхши концерт дастурини тайёрлаш ниятим бор. Концерт учун ўн бешта янги кўшиқ устида ишлаяпман. У халқимизга ёқадди, деган умиддаман.

ЎЗМУ талабаси
Малика РҶЗИЕВА
суҳбатлашди.

Футбол Мухлисларни ҳайратга солган натижа

Саноқли кунлардан сўнг Бразилия яшил майдонларида давом этаётган XX жаҳон чемпионати голиби ва совриндорлари номи маълум бўлинди.

Финал йўлланмаси учун кечган дастлабки ўйинда Бразилия — Германия терма жамоалари ўзаро рўбарў келди. Очиги, бу учрашувда айрим мухлислар немис футболчиларининг имкониятини юқори баҳолаган бўлса-да, ҳеч ким унда мезонлар йирик ҳисобда мағлубиятга учрагани хаёлига келтирмаганди. Хатто мезонлар таркибиди етакчи ўйинчилардан Тьяго Сильва, Неймар маълум сабабларга кўра, ушбу ўйинда бундай йирик ҳисобдаги мағлубият бразилиялик мухлисларни каттиқ ранжитди.

Германия терма жамоаси ярим финалда кутилганидан-да шиддатли ўйин намойиш этиб, бразилияликларни йирик — 7:1 ҳисобида тормор этди. 2002 йили Жанубий Корея ва Япония яшил майдонларида ўтказилган жаҳон чемпионати финалида германияликлар Бразилия футболчиларига ютказган эди. Бу гал улар «пентакампион»ларни шу тарихда доғда қолдириб, мағлубият аламини олдилар.

Мазкур ўйинда муҳим ғалабани кўлга киритган немислар бир қатор рекордлари янгилашга муваффақ бўлганлиги эътиборлидир. Жумладан, Томас Мюллернинг бразилияликлар дарвозасига киритган тўпи Германия терма жамоаси тарихидаги 2000-гол бўлди. Биринчи голни Фриц Беккер 1908 йилнинг 5 апрелида урганди.

Ҳозиргача уч марта (1954, 1974, 1990 йиллар) жаҳон чемпионати бўлган Германия терма жамоаси саккизинчи бор финалга йўлланмани кўлга киритди. Энди немис футболчилари 13 июль кунини финалда Голландия — Аргентина жуптлиги голибига қарши майдонга тушади.

Эркин ХОЛБОБОВ

ОБ-ҲАВО 10-11 — 07. 2014

Юртимиз буйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+22 / +27 +37 / +42

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+22 / +27 +37 / +42

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

+20 / +25 +37 / +42

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари

+22 / +27 +39 / +44

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

+20 / +25 +36 / +41

Тошкент шаҳри

+21 / +23 +38 / +40

Дунё буйлаб (°C)

Лондон +19 / +21

Париж +20 / +21

Москва +21 / +21

Мадрид +27 / +27

Пекин +36 / +32

Канберра +6 / +8

Рим +25 / +26

Афина +34 / +34

Токио +30 / +30

Стокгольм +23 / +21

Кейптаун +19 / +20

Қоҳира +37 / +37

Гавана +33 / +30

Вашингтон +31 / +30

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ҳайъати ҳамда қасаба уюшма Бирлашган қўшма Штатлар УшМитаси ЎзР ФА УшМитаси ва ҳайвонот олами генотипи институти директори, биология фанлари доктори Бобқул Тўхтаевга падари бузруквори

Ёрқул отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

«Agro Biznes Inform» журнали тахририяти жамоаси тахририят бош муҳаррири ўринбосари Мухомед Ражабовага отаси

Полвонназар РАЖАБОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Денис Истомин ва Фаррух Дўстов рейтингда юқорига кўтарилди

Профессионал теннисчиларнинг ҳафталик янги рейтинг эълон қилинди. Ўтган ҳафта якунлари бўйича Денис Истомин олти поғона юқорилаб, 39-ўринда қайд этилди. Денис ўтган ҳафта «Уимблдон» турнирида қатнашиб, учинчи даврага қадар етиб борган ва дунёнинг учинчи ракеткаси швейцариялик Стэн Вавринкага ютказиб мусобақани тарк этганди.

Иккинчи рақамли теннисчимиз Фаррух Дўстов эса 11 поғона юқорига кўтарилди. Эндиликда у 142-ўринни эгаллаб турибди. Дўстов ўтган ҳафта АКШда бўлиб ўтган «Челленджер» туркумидаги соврин жамғармаси 50 минг доллардан иборат турнирнинг ҳал қилувчи финал учрашувида украиналик Денис Кудлага мағлуб бўлганди.

Умарбек РАҲМОНҚУЛОВ

ИБРАТЛИ ЙЎЛ

Алишер Навоий номидаги кинесаройда «Ўзбекино» Миллий агентлиги қошидаги «Меъмор» студиясининг навоийшунос олимаси, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳибаси Суйиима Ганиеванинг ибратли ҳаёт йўли, илмий ва жамоатчилик фаолиятига бағишланган «Йўл» ҳужжатли фильми премьераси бўлиб ўтди. Фильм «Ўзбекино» миллий агентлигида 2014 йилдан бошлаб юртимиз маънавий-маърифий тараққиётига катта ҳисса қўшган юртдошларимиз ҳаёти ҳақида тасвирга олинаётган «Замон ва тақдирлар» номили ҳужжатли фильмлар туркумининг илк намунаси бўлди.

Тadbирда сўзга чиққанлар олиманинг ноёб илмий адабий мероси ҳақида тўхтади.

— Суйиима Ганиевани доимо ижод, илм оғушида кўрганман, — дейди сценарий муаллифи Эшқобил Шукур. — Айтган ҳар бир жумласида ҳазрат Навоий сўзларидан қўллаш, куну тун адабиёт билан ҳамнафас, ҳамкадам бўлиши, ҳақиқий илм фидойисини эканлиги мени ҳайратда қолдирган. Суйиима Ганиева шу кунгача 987 та ижод, намунаси: 680 та илмий мақола ва монография эзилганлигини, 27 та асарни таржимага муаллифлик қилганини алоҳида эътироф этиш керак.

— Илм ўрганишни мақсад қилган ёшларга сабр-қаноат билан ишлашни, янги-янги қирраларни кашф этишлари кераклигини маслаҳат бераман, — дейди Суйиима Ганиева. — Ана шундагина биз Навоийга муносиб фарзанд бўлаемиз. Ҳазрат Навоийнинг асарлари жаҳон адабиётининг завол билмас чечакларидир. Токи оламда сўз қадрини англагучи инсонлар бор экан, ҳар бир авлод бу бойликлардан баҳра олиб яшайди.

Фильм илм ва маърифат йўлида машаққатлардан кўрқмасликка, олтин меросимизни асраб-авайлашда фидойи бўлишга ундайди.

Санжар ЭШМУРОДОВ,
Шаҳзод ТҶРАЕВ,
ЎЗМУ талабалари.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASИ ТАШҚИ ИҚTISODИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

HSM шифрлаш аппарат модуллари хариди бўйича очик тендер эълон қилади.

Қизиқиш билдирган ускуна етказиб берувчилардан тендерда қатнашиш учун бюуртманомаларни 2014 йил 21 июль соат 17:00 гача куйидаги манзилга тақдим этишларини сўраймиз:

Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темури шох кўчаси, 101. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Пул муомаласи департа-

менти. Тел.: 234-02-61, 235-56-09 факс: 235-09-22 e-mail: NHalikova@central-nbu.com Бюуртманомашаклини олиш ва тендер шартлари

билан танишиш учун ҳам юқориди манзилга мурожаат қилиш мумкин. Алоқада бўлувчи шахслар — Хуршида Халикова, Самандар Искандар ўгли Искандаров. Хизматлар лицензияланган.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASИ ТАШҚИ ИҚTISODИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

эмбоссерлар ва халқаро тўлов тизимлари пластик карталарини чоп этиш учун гастурий таъминотлар хариди бўйича

очик тендер эълон қилади.

Қизиқиш билдирган ускуна етказиб берувчилардан тендерда қатнашиш учун бюуртманомаларни 2014 йил 22 июль соат 17:00 гача куйидаги манзилга тақдим этишларини сўраймиз:

Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темури шох кўчаси, 101.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

Пул муомаласи департаменти.

Тел.: 234-02-61, 235-56-66 факс: 235-09-22

e-mail: NHalikova@central-nbu.com

Бюуртманомашаклини олиш ва тендер шартлари билан танишиш учун ҳам юқориди манзилга мурожаат қилиш мумкин.

Алоқада бўлувчи шахслар — Хуршида Халикова, Алексей Максимов.

Хизматлар лицензияланган.

ТЕНДЕРНАЯ КОМИССИЯ ГАЖК «ЎЗБЕКISTON ТЕМИР ЙУЛЛАРИ»

объявляет тендер № 2 2014 года на приобретение:

ЛОТ-1. Цифровая рентгенодиагностический комплекс – в количестве одной единицы.

ЛОТ-2. Цифровая флюорографический аппарат – в количестве одной единицы.

За тендерной документацией обращаться по адресу: г. Ташкент, ул. Т. Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йуллари», Управление «Темирйуленилгитамин», комната 410. Тел: 237-94-72, факс: 238-84-43. Элек.почта — israilov55@mail.ru.

Заявки на участие в тендере принимаются в течение 30 дней с момента выхода объявления в средствах массовой информации.

Услуги лицензированы.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Buyuk Turan ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 760 11698 nuxxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 21.00 Topshirilgan vaqti — 23.40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Erkin XOLBOBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5